

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

Махсус сон [70], 2020

2020 йил – ИLM, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ



**БУГУНГИ ИLM –
УЧИНЧИ
РЕНЕССАНС
ПОЙДЕВОРИ**



AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

«O'ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO'JALIGI»
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:
**Тоҳир
ДОЛИЕВ**

МУАССИС:
Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги
вазирликлари

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0291-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Б.Холиқов,
(Ҳайъат раиси)
А.Абдуллаев
А.Абдусатторов
С.Азимов
Ҳ.Атабаева
Д.Ёрматова
П.Ибрагимов
Б.Исроиллов
Н.Каримов

И.Маҳмудов
Ш.Намозов
Р.Назаров
Ф.Намозов
Р.Низомов
Ш.Нурматов
М.Пардаев
А.Равшанов
И.Раҳматов
С.Раҳмонкулов

А.Рустамов
А.Рўзимуродов
Й.Сайимназаров
Ж.Сатторов
М.Сатторов
Б.Сувонов
К.Султонов
Ф.Тешаев
М.Тошболтаев
А.Тўхтақўзиёв

Т.Фармонов
Н.Халипов
А.Хожиёв
Н.Хушматов
А.Ҳамзаев
Р.Ҳақимов
А.Ҳошимов
С.Шамшитов
Б.Шарипов
Б.Элмуродов
И.Кўзиёв

«O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI»
ва «AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган
илмий мақолаларга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР

1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;
— тушунарли ва равион баён этилиши;
— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (кўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, инглиз тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга 5 бетдан, илмий хабарлар эса 3 бетдан ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, 1,5 интервал ва 14 кеглда, Times New Roman ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. Мақолани расмийлаштириш (формуларини ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул

қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чоп бурчагига қўйилади. Мақола охирида адабиётлар рўйхати, муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, 2 нусхада электрон варианты билан қабул қилинади. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, телефон рақамлари тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани тақриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятта топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

ТАХРИРИЯТ

2020 йил,
Махсус сон (70)-сон

Бир йилда олти
марта чоп этилади.

Обуна
индекси—859

Журнал 2007 йил
августдан чиқа
бошлаган.

© «AGRO ILM» журнали.

Манзилимиз:
Тошкент 100004,
Шайхонтоҳур тумани
А.Навой кўчаси, 44-уй.
Тел/факс: 242-13-24,
242-13-54.
e-mail: uzqx_jurnal@mail.ru
telegram: qxjurnal_uz;
Сайт: www.qxjurnal.uz

МУНДАРИЖА

ПАХТАЧИЛИК

| | |
|---|----|
| А.ИСМАИЛОВА. Ноанъанавий ўғитларнинг гўза ўсиши ва ривожланишига таъсири..... | 3 |
| М.ЭШОНҚУЛОВ. Гўза парваришида гербицидларни қўллашнинг бегона ўтлар сони ва пахта ҳосилига таъсири..... | 5 |
| Э.МАТЯҚУБОВА, М.ХАЛИКОВА, Х.МАРДАНОВ. Ингичка толали гўза намуналарининг тезлишарлик белгилари..... | 6 |
| Б.МАМАРАХИМОВ, С.ТУРСОАТОВ, С.ЖўРАЕВ. Гўзада эпита уруғлар жамғаришда морфологик белгиларни гуруҳлашнинг самарадорлиги..... | 7 |
| М.АБЕРКУЛОВ, И.РАСУЛОВ, М.ЖУМАШЕВ. Ингичка толали гўза (<i>G.Barbadense L.</i>) Генофондидан селекция жараёнида фойдаланиш..... | 9 |
| Ф.ТЕШАЕВ, Ш.РАХМОНОВ. “Зарафшон” гўза навида агробиотик омилларнинг дефолиантлар самарадорлигига таъсири..... | 10 |
| Ш.САМАНОВ, Б.АМАНОВ, Х.МўМИНОВ, Б.ГАППАРОВ. Геномлараро дурагайлаш асосида яратилган тизмаларнинг айрим хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари..... | 11 |
| О.КУЧКАРОВ, А.РАВШАНОВ, Б.АБДИШУКУРОВ, Д.БОХОДИРОВА. Наследуемость выхода волокна у гибридов F ₂ выращенных в условиях естественного засоления..... | 13 |
| К.ЖУМАНИЯЗОВ, Р.НАЗИРОВ, Э.КУРБАНБАЕВ. Влияние влажности хлопка-сырца на очистительный эффект сепаратора-очистителя с воздухопроницаемыми барабанами..... | 15 |
| Ш.НАМАЗОВ, И.РАСУЛОВ, С.МАТЁКУБОВ. Интгрессив селекция асосида яратилган янги гўза тизмалари толасининг сифат кўрсаткичлари..... | 16 |

ГАЛЛАЧИЛИК

| | |
|--|----|
| А.ШАДМАНКУЛОВ. Донларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва сифатига талаблар..... | 18 |
| Д.ЖўРАЕВ. Янги яратилаётган тизмаларнинг дон сифат кўрсаткичлари..... | 20 |
| О.АБДУГАНИЕВ, Т.МАХМУДОВ. Худудларда бугдой ҳосилдорлик кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш..... | 21 |
| О.НАГЫМЕТОВ, Б.БЕКБАНОВ, О.ИСМАЙЛОВ, Ж.АЙТМУРАТОВА, Ш.МАТКАРИМОВА. Оптимальные нормы посева семян яровой пшеницы в условиях Каракалпакстана..... | 23 |
| Т.МАМАТҚУЛОВ, З.УСАРОВ, А.ХОЛДОРОВ. Пивобоп арпа селекцияси: муаммолар ва эришилган истиқболли натижалар..... | 24 |
| Ю.ХОЖАМҚУЛОВА. Шопи ўсимлиги бўйининг ўсишига турли сув қалинлигининг таъсири..... | 26 |
| У.АБЫЛЛАЕВ, Б.АБДУЛЛАЕВ. Ультраскороспелый сорт риса «Гулистан»..... | 28 |
| М.САТТАРОВ, Х.ИДРИСОВ, Р.САЙТКАНОВА. Мош (<i>Phaseolus auleus</i> <i>pege</i>) нинг назорат ва нав танлов кўчатзорида ўтказилган тадқиқот натижалари..... | 28 |
| Н.ХАЛИЛОВ, А.ҲАМЗАЕВ, Б.КУЛДАШОВ. Маҳаллий ва хорижий соя навларининг экиш схемалари ва меъёрларини мақбуллаштириш..... | 30 |

| | |
|--|----|
| Н.ЗАРИБОВА, Ғ.САТИМОВ. Ўртача шўрланган тупроқларда ясимқ етиштириш усуллари..... | 32 |
| А.МАМАТАЛИЕВ. Мойли экинларни сугоришда инновацион технология..... | 34 |
| Р.СЕЙТБАЕВ, Б.АЙТЖАНОВ, У.АЙТЖАНОВ. Кунгабоқар нав ва дурагай ўсимликлари баргпаридаги оғизчалари сонининг мослашувчанлиги..... | 35 |

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

| | |
|--|----|
| С.АБДУРАМАНОВА, А.ЭРМАТОВ. <i>In vitro</i> шароитида гилоснинг “Баҳор” навини микроклонал кўпайтиришда озуқа муҳити ва ўсиши бошқарувчи моддаларнинг таъсири..... | 37 |
| З.АБДИКАЮМОВ, Д.ЮЛЧИЕВА. Гилос кўчатлари ўсиш кучига клон пайвандтаг интеркаляр қўйилмаси узунлигининг таъсири..... | 38 |
| Р.НОРМАХМАТОВ. Ўрик данаги оксилнинг аминокислота таркиби ва ундан қўшимча хомашё сифатида фойдаланиш имкониятлари..... | 40 |
| Н.МАРКАЕВ, Ш.ЮСУПОВ. Узум кўчатларининг илдиз отиш жараёнини авжлантиришда элетротехнологик усуллардан фойдаланиш..... | 41 |
| Б.АБДУСАТТОРОВ. Узумнинг “Тойфи” нави сақланувчанлигига турли хил химоя қоғозлари (<i>Grape guard sheets</i>)нинг таъсирини ўрганиш..... | 42 |
| Т.НОРМАТОВ, Б.ХАЛИКОВ, Р.НИЗОМОВ. Маҳаллий помидор навларининг қурқоқчиликка чидамлилигини баҳолаш..... | 45 |
| С.САЛИЕВ, З.БўСТОНОВ. Бақлажон нав намуналарини исоҳонада етиштиришда мақбул экиш муддатлари..... | 47 |
| А.АБДУРАХИМОВ. Қумли тупроқлар шароитида картошка ва ерэнқоқ етиштириш агротехнологияси..... | 48 |
| Ф.МАХМАДИЁРОВ. Картошканиликда интенсив технология..... | 50 |
| Ж.РАХМАТУЛЛАЕВ, Ж.ТўРАЕВ. Экиш муддатларини кечки картошканиннг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири..... | 51 |
| С.САНАЕВ, Ш.ШАМСИЕВА. Қайта ишлашга мос сабзавот (ширин) махжажҳори навларини ўстириш технологияси..... | 52 |
| Т.ОСТАНАҚУЛОВ, А.ИСМОЙЛОВ, Ч.НАБИЕВ. Сабзавот махжажҳорининг “Шерзод” ва “Замон” навларини сугориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари..... | 53 |
| Р.ТўРАМАТОВ, Ф.РАСУЛОВ. Қовоқ экинининг аҳамияти ва уни етиштириш технологиясини такомиллаштиришнинг долзарблиги..... | 54 |
| Н.ХАЛИЛОВ, Ш.АЛИБОВЕВ, М.ШЕРНАЗАРОВ. Колумб ўти – имконияти катта, серҳосил озуқа экини..... | 55 |
| Х.АТАБАЕВА, Д.МУСТАФАКУЛОВ. Судан ўти кўкатиинг тўйимлигига экиш муддати ва ўриш фазаларининг таъсири..... | 57 |
| Э.БЕРДИЕВ, Б.ГАФУРДЖАНОВ. Выращивание сеянцев гинкго двуллопастного (<i>Ginkgo biloba L.</i>) Для озеленения в Узбекистане..... | 59 |

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

| | |
|--|----|
| Г.ТУРДИЕВА. Духакли экин зараркунандаларида касаллик кўзгатувчи энтомопатоген микроорганизмлар..... | 61 |
| Х.ЯХЯЕВ, Ғ.РАХМОНОВА. Қовун пашшасининг Фарғона водийси шароитида ривожланиши мониторинги натижалари..... | 63 |

биз ўрик данаги оқсилнинг аминокислота таркибини ҳам ўргандик. Бу бўйича экспериментал тадқиқот натижалари 1-жадвал маълумотларида келтирилди.

1-жадвал.

Ўрик данаги оқсилнинг аминокислота таркиби ҳўл протеинга ҳисоблаганда фоизларда.

| Аминокислоталар | Ўрик навлари | | |
|---------------------|-------------------|----------|------------|
| | "Навоний юбилейи" | "Арзани" | "Кўрсодик" |
| Лизин | 3,88 | 3,61 | 4,92 |
| Гистидин | 2,65 | 1,85 | 2,02 |
| Аргинин | 9,92 | 10,35 | 11,05 |
| Аспарагин кислотаси | 11,92 | 10,93 | 11,35 |
| Треонин | 3,73 | 3,42 | 3,41 |
| Глутамин кислотаси | 28,12 | 24,62 | 22,52 |
| Серин | 4,12 | 6,14 | 4,24 |
| Пролин | 5,09 | 4,70 | 4,22 |
| Глицин | 4,30 | 4,95 | 5,33 |
| Аланин | 4 | 4,82 | 4,85 |
| Валин | 3 | 4,12 | 4,71 |
| Лейцин | 7,10 | 6,62 | 7,35 |
| Изолейцин | 2,20 | 3,28 | 3,96 |
| Тирозин | 2,02 | 3,26 | 3,00 |
| Фенилаланин | 5,4 | 5,74 | 5,27 |
| Триптофан | 1,36 | 1,26 | 1,51 |
| Ҳўл протеин | 22,42 | 18,75 | 18,68 |

Жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ўрик данаги оқсилнинг таркибида ўрин алмаштирмайдиган аминокислотларнинг ҳиссаси 26-30 фоизни ташкил этади. Ўрин алмаштирмайдиган аминокислотлар

нафақат оқсиллар биосинтезида иштирок этишса-да, балки улар организмда бўладиган ҳамма ҳаётий жараёнларда иштирок этади.

Фенилаланин ва тирозин каби ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталарнинг организмда гормонлар, тироксин, адреналин, норадреналин каби ферментларнинг ҳосил бўлишининг асосий манбаи эканлигиёқ уларнинг инсон организми учун жуда муҳим эканлигидан далолат беради. Ўрик данаги оқсили таркибида ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталарнинг мавжудлиги, бу – хомашёдан қаңдолат маҳсулотлари тайёрлашда ва нон-бўлка маҳсулотларига кўшиб уларнинг аминокислота таркибини мувозонатлаштиришда фойдаланиш ҳам мумкин, деган фикрни асослашга хизмат қилади. Шу сабабли биз бугдой унининг биринчи навиға 2, 5, 10 фоиз миқдорда майдаланган ўрик данагини кўшиб нон тайёрладик. Экспириментал тадқиқот натижасида нон рецептурасига 5 фоиз миқдорда майдаланган ўрик данагини кўшиш мақсадга мувофиқ деб топдик. Бундан ортиқ миқдорда кўшиш тайёрланган нон таркибида оқсил, ёғлар ва витаминлар миқдорини оширса-да, тайёр ноннинг органолептик кўрсаткичларини бирмунча пасайтириши аниқланди. Бугдой униға 5 фоиз миқдорда ўрик данаги кўшиб тайёрланган ноннинг органолептик кўрсаткичлари бошқа тажриба намуналарига қараганда бирмунча яхшироқ бўлиши аниқланди. Бу эса ўрик данагидан нон ва қаңдолат маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қийматини оширишда фойдаланиш мумкин, деган хулосаға келишға асос бўла олади.

Рузибой НОРМАХМАТОВ,
т.ф.д., профессори,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашға доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 9 сентябрда қабул қилинган қарори.
2. Норматхматов Р. Косточковые плоды Узбекистана. Монография. Ташкент, издательство народного наследия им. А.Кадыри, 1998.

УЎТ: 621.26:372.2.00

УЗУМ КЎЧАТЛАРИНИНГ ИЛДИЗ ОТИШ ЖАРАЁНИНИ АВЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

The article describes the physical nature of the influence of electromagnetic field energy on the corresponding species of the plant world and the possibility of them exhibiting energy efficiency for technological purposes of the process of growing grape seedlings and apples.

Бугунги кунда мамлакатимизда мевали дарахт ва узумзорларни кўпайтириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишға доир кўшимча чора-

тадбирлар" тўғрисида қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини олиш мумкин.

Турли мевали дарахт ва ток кўчатларининг ҳосилдорлигини ошириш борасида бир қатор биологик ва агротехник тадбирлардан фойдаланилаётган бўлса ҳам, бугунги кунда баъзи фермер хўжаликларида кўчатларнинг ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб, узумзорлар кенгайишиға тўсқинлик қилмоқда. Ҳозирги фаннинг ҳолати ушбу омилларни турли

хил стимуляторлар, шу жумладан, электромагнит майдон энергияси турли кўринишларининг электрофизик таъсирлари ёрдамида бошқариш ва ўсимликлар ҳаётига фаол аралашуш орқали уни тўғри йўналишга йўналтириш имкони мавжуд.

Мевали дарахт ва ток кўчатларининг илдиз ҳосил бўлиш жараёнлари ва уларнинг ўсишига электрофизик факторлар таъсир кўрсатади. Шулардан бири, электр токи ёрдамида мевали дарахт ва ток навдаларининг вегетатив кўпайишига таъсир кўрсатишидир.

Узум кўчатларида илдиз ҳосил бўлиш жараёни ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган мураккаб биологик жараёндир.

Узум кўчатларига электромагнит майдон энергиясининг турли таъсирларини ўрганиш ва улардан мева кўчатларини етиштиришда фойдаланиш бўйича турли тажрибалар ва назарий билимлари интернет материаллари, адабиётлар ва патент маълумотларидан фойдаланган ҳолатда таҳлил қилинди.


Хорижий олимларнинг изланишлари, улар орасида В.И.Мичурина, А.М.Басов, И.И.Гунара, Б.Р.Лазаринко ва И.Ф.Бородинлар биологик объектларга, шу жумладан, ўсимликлар дунёсига мансуб материалларга таъсир қилишнинг электрофизик усуллари баъзи ҳолларда нафақат миқдорий, балки бошқа усуллар ёрдамида эришиб бўлмайдиган сифатли ижобий натижалар беришини аниқлади.

А.Г.Кудряков электр токи ёрдамида узум кўчатларига ишлов бериш орқали узум новдаларини илдиз отиш жараёнлари 14 В/м электр майдони ва 24 соатлик таъсир қилинганда, яхши

натижаларга эришиш мумкинлигини аниқлади.

Таҳлил қилинган олимларнинг ўтказган тажрибалар ва назарий билимлари шуни кўрсатадики, мевали дарахт ва ток кўчатларининг илдиз отиши гармон актив кўзчаларининг маълум бир миқдорига боғлиқ бўлиши мумкин.

Биз ўтказган кичик тажрибалар ва таҳлиллар натижасида шу нарсалар маълум бўлдики, узум кўчатларига электр токи ёрдамида таъсир кўрсатилса, кўчатнинг актив гармонал ҳолатига таъсир кўрсатмайди ва ўсимлик тўқималари фақат электр майдон кучининг паст даражаларида фаол ўтказувчанликка эга эканлиги аниқланди.



Узум новдаларига электр токи ёрдамида ишлов бериш ускунаси.

1-электрод, 2-узум новдаси, 3-электр токини ўтказадиган сувоқлик.

Идиш электр токини ўтказмайдиган материалдан тайёрланган ва электродлардан фойдаланилган. Тажриба учта вариантлар орқали амалга оширилди ва ҳар хил вариантларда 5, 10, 20, 30 В кучланишлардан фойдаланилди. Тажрибаларни ўтказиш вақтлари ҳар вариантлар учун бир хил, яъни 10 минутни ташкил қилди.

Электрофизик усулларда ишлов берилган тажриба узум новдалари 20 см. дан қилиб тайёрланди. Ишлов берилган узум новдаси гуруҳлари сони 13 та, яъни 12 таси ишлов берилган ва 1 таси ишлов берилмаган. Ишлов берилган узум новдалари 48 соат мобайнида сув солинган идишларда алоҳида сақланди ва бир марталик идишларга экилди.

Олиб борилган ва борилаётган дастлабки тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, узум қаламчаларига электрофизик ишлов бериш кўчатларнинг томир отиш жараёнларини сезиларли даражада оширади ва бу кўчатлардан юқори ҳосил олиш имконини бериши мумкин.

Нуриддин МАРКАЕВ,
Шарофиддин ЮСУПОВ,
ассистентлар,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. А.Раджабов, Х.М.Муратов. "Электротехнология". Т.: Фан, 2001. 203 б
2. Н.М.Маркаев, Ў.Ҳоликназаров, Ш.Юсупов. "Электромагнит майдон энергиясидан электротехнологик мақсадларда фойдаланиш имкониятлари". "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали. 2019 йил 11 ноябрь. 50-51-б.
3. Кудряков А.Г. Стимуляция корнеобразования черенков винограда электрическим полем: Автореферат. Диссертация к.т.н. Краснодар, 1999. 23 с.

УЎТ: 662.7.

УЗУМНИНГ "ТОЙФИ" НАВИ САҚЛАНУВЧАНЛИГИГА ТУРЛИ ХИЛ ҲИМОЯ ҚОҒОЗЛАРИ (GRAPE GUARD SHEETS)НИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

В данной статье приводятся результаты научного и практического анализа свойств хранения сорта винограда "Тайфи" в период хранения, упакованного различными способами защитными листами винограда в установленной температуре, где относительная влажность может варьироваться и повлиять на цвет ягод, появлению грибковых повреждений и на ряд других качественных характеристик при хранении продукции.

This article describes the results of scientific and practical analysis of the storage properties of the Tayfi grape variety packed with different grape guard sheet at the same temperature, relative humidity for the same period of time and changes in product color, taste, fungal damage and a number of other quality characteristics during storage.

Республикамызда сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳага янги бозор механизмларини янада кенг жорий қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга

оширилиб, мева ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, экспортдан олинандиган маблағларда кўшимча қиймат